

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА ТАМАРА ЖОЛДАСБАЕВНА**

**ПУБЛИЦИСТИКА НАЗАРИЯСИНING ЯХЛИТ КОНЦЕПЦИЯСИ  
(илмий-методологик таҳлил, Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти  
материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус шаҳри – 2020 йил**

**Докторлик (DSc) диссертация автореферати мундарижаси Оглавление  
автореферата докторской (DSc) диссертации  
Content of the abstract of the doctoral (DSc) Dissertation**

**Машарипова Тамара Жолдасбаевна**

Публицистика назариясининг яхлит концепцияси (илмий-методологик таҳлил, Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида)..... 3

**Машарипова Тамара Жолдасбаевна**

Целостная концепция теории публицистики (научно-методологический анализ, на примере материалов печати Республики Каракалпакстан)..... 37

**Masharipova Tamara Joldasbaevna**

Integrated Conception of the Theories of Social and Political Journalism “Publitsistika” (Methodological analysis, on the Press materials of the Republic of Karakalpakstan)..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 74

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА ТАМАРА ЖОЛДАСБАЕВНА**

**ПУБЛИЦИСТИКА НАЗАРИЯСИНИНГ ЯХЛИТ КОНЦЕПЦИЯСИ  
(илмий-методологик таҳлил, Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти  
материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус шаҳри – 2020 йил**



## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида ҳар бир миллат журналистикаси ўзининг ходимларидан энг аввало материалга зудлик билан ишлов бериш ва уни тезкор тарқатишни талаб этади, шундай бўлганда ҳам публицистика ўзининг аввалги мавқеини бой бермаслиги зарур. Бундай нуқтаи назар, бир қанча жиҳатларга кўра ва биринчи навбатда яхши мазмунга эга бўлган ОАВ хабарларига эҳтиёж ҳамиша катта. Демак, мазкур шароитларда медиа ходимлари томонидан публицистиканинг ўрни ва роли, истиқболлини белгилаб олиши жуда муҳим.

Дунё журналистикасида публицистика қадимги замонлардан то ҳозирги даврга қадар, башарият тараққиётининг ҳамма босқичларида, айрим ёки бир гуруҳга мансуб мамлакатларда тез-тез оммавий минбарга, ҳатто, айрим пайтлари умумхалқ ялпи форумига айланиб улгурган. Воизларнинг нутқларида, йиғилишларда ҳамда матбаа асарларида зухур этган публицистик эҳтирос воситасида уруш ва тинчлик, ижтимоий формацияларни ривожлантириш ва янгилаш, мамлакатларнинг ижтимоий тараққиёти, моддий фаровонлик ва омманинг маънавий юксалиши масалалари ҳал этилган. Публицистиканинг барча умумдунёвий маданий манбалар: муқаддас диний битиклар, мифология ва турли халқларнинг эпослари, тарихий солномалар, бадий обидалар бағрига кириб боргани бежиз эмас. Публицистика, публицистиклик кўп халқларнинг, жумладан Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам зийнати ва маънавий қиёфасини шакллантирган зарурий унсур бўлиб хизмат қилиб келади. Буларнинг барини ҳисобга олган ҳолда, публицистика феноменининг ўзини ижтимоий-сиёсий жараён сифатида янада тўлиқроқ таҳлил қилиш ва, шу асосда, унинг назариясини инкишоф этиш кун тартибига қўйилмоқда.

Мустақиллик йилларида, айниқса, инсоният ахборий давр сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда бу масалани ўрганиш жуда муҳим. Кириб келган XXI асрда бутун сайёрамиздаги ва ҳар бир давлатдаги сиёсий ва маънавий муҳит тубдан янгиланаётир. Уч аср муқаддам, аграр даврдан индустриал босқичга ўтиш муносабати билан, жаҳон ҳамжамияти катта зўриқишларни бошдан кечирган, янги замоннинг қудратли тўлқини аввалги анъаналар, қонуну эътиқодларни бир ҳамла билан ювиб ташлаган, уларнинг ўрнида тубдан янгича турмуш тарзи шаклланган. Шунини ҳам эътиборга олиш зарурки, публицистика ҳамда унинг назарий категорияларининг ҳар бири ички кўриниш ва тузилмаларига эга. Буларни ўрганиш – публицистик сўзнинг самарадорлигини амалга оширишнинг ишончли йўли. Зеро, «...фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш»<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Шубҳасиз, халқнинг қалбига кириб боришда публицистика қўл келади, зеро

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль. «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил. 8 февраль.

у ҳар бир фуқарога бевосита боғланган бўлиб, унинг ташвишлари ва ҳаётий муаммоларини ёритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонида кўрсатилган «Ўзбекистон Республикасида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча ора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>2</sup> Журналистикани публицистикага урғу бериб ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Chicago; University of California; University of Harvard (АҚШ); Universität of Bonn (Германия); Delhi University (Ҳиндистон), Vilniaus Universitetas (Литва); Коллеж де Франс (Франция); Москва давлат университети; Санкт-Петербург давлат университети; Воронеж давлат университети; Челябинск давлат университети; Киев миллий университети (Украина); Қозоқ Миллий университети, Қозоқ-Турк университети (Қозоғистон); Қирғиз давлат университети, Ўш давлат университети (Қирғизистон); шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Қорақалпоқ давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон журналистикасида функциялар ва принципларга алоҳида эътибор қаратилган (University of Chicago, АҚШ; University of Oxford, Англия); публицистика ва замонавий ОАВ; рефлексия ва амалиёт; публицистика моҳияти, предмети, функциялар назарияси ишлаб чиқилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Россия); публицистик матн, услуб, тил ва жанр хусусиятлари қадимзамонлардан бошлаб инсоният

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.artcritic.guru>, <http://www.cartoonia.ru>, <http://studmedia>, [wikipedia.org/wiki/](http://wikipedia.org/wiki/), <http://coolreferat.com>, <http://book-science.ru>, <http://postmodernism.academic.ru>, <http://Cyberleninka.ru>, [www.tai.uz](http://www.tai.uz), [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ва бошқ. манбалар асосида тайёрланган.

тарихининг барча даврларида, айрим мамлакатларда ҳозирги кунга қадар оммавий минбар, умумхалқ форуми хизматини ўтаб келган ва бундай тадқиқотларда муҳим натижалар олинган (Ал-Фараби номидаги Қозоғистон миллий университети, Қозоғистон). Қадим замонлардан бошлаб чечанлик сўзларида ва халқ олдида айтилган ваъзларда тинчлик муаммолари, жамият, ижтимоий тизимларнинг ривожланиши ва янгилиниши, давлатларнинг тарихий-социологик эволюцияси, халқларнинг моддий юксалиши ва маънавий етуклигининг долзарб масалалари кўтарилган ва ечимини топган (Tohoku University, Япония; Dehli University, Ҳиндистон; Киев миллий университети, Украина; Челябинск давлат университети, Россия; Baki Dövlət universiteti, Озарбойжон). Публицистика Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам кўпгина халқларнинг менталитети ва маънавий дунёси барпо қилинишида катта аҳамиятга эга асарларнинг ажралмас унсурлари бўлиб келганлиги тўғрисида хулосалар чиқарилган (Peking University, Хитой; Анкара университети, Туркия; Бошқирд давлат университети, Қазан федерал университети, Россия; Варшава университети, Польша).

Дунё журналистикашунослигида публицистика назариясининг *тизими* етарли даражада ишланмаганлиги билан ҳам изоҳланадики, бу унинг имкониятларидан ахборий фаолият давомида тўлиқроқ фойдаланишга халақит бераётир. Журналистика (коммуникативистика, публицистикашунослик)нинг илмий тадқиқ қилинишида қатор, жумладан, қўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: фалсафий публицистика; замонавий америка коммуникативистикаси: назарий концепциялар, муаммолар, тахминлар; нейродастурлаш ва матн ёрдамида таъсир қилиш усуллари; замонавий босқичда публицистикани тадқиқ қилиш принциплари; замонавий медиалар публицистикасининг бадий-эстетик таъсири; фольклорда публицистик руҳ ва бошқада муаммоларни ўрганиб, уларнинг илмий ҳамда амалий асосларини янгилаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Публицистика масалаларига доир қарашлар Платон, Аристотель, Г.Гегель, И.Кант, Э.Тоффлер, Г.Маклюэн каби машҳур алломаларининг асарларида ҳам аҳамиятли ўрин эгаллаган. Публицистика, публицистик руҳ ва унинг амалий кўринишлари бўйича XX асрнинг 50-йиллардан бошлаб, ҳозирги кунгача А.Г.Бочаров,<sup>3</sup> В.В.Виноградов,<sup>4</sup> Е.П.Прохоров,<sup>5</sup> В.В.Ученова,<sup>6</sup> М.С.Черепанов,<sup>7</sup> В.Д.Пельт,<sup>8</sup>

<sup>3</sup>Бочаров А.Г. Не сотвори себе гомункулуса // Вестник Моск. ун-та. Сер. Журналистика. 1968. №5. – С. 44-54.; Сол автор. Существует такое качество «публицистичность» // Вопросы литературы. 1958. №10. – С. 77-104.

<sup>4</sup>Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – 255 с.

<sup>5</sup>Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по направлению и специальности «Журналистика» / Е.П. Прохоров, 6-изд. Серия «Классический университетский учебник». – М.: Изд-во МГУ, 2005. – 368 с.; Сол автор. Искусство публицистики. – М.: Сов. писатель, 1984. – 260 с.; Сол автор. Публицист и действительность. – М.: Издательство Московского университета, 1973. – 315 с.

<sup>6</sup> Ученова В.В. Три теории журналистики: Гносеологические проблемы публицистики. Публицистика и политика. У истоков публицистики. – М.: Аспект Пресс, 2009. – 557 с.

<sup>7</sup> Черепанов М.С. Проблемы теории публицистики. 2-е изд. – М.: МГУ, 1973. – 170 с.; Сол автор. Таинства мастерства публициста. – М.: Мысль, 1984. – 150 с.

<sup>8</sup>Теория и практика советской периодической печати. Уч. пос. для вузов. Под ред. В.Д. Пельта. – М.: Высшая школа, 1980. – 374 с.

В.М.Горохов,<sup>9</sup> А.А.Тертычный,<sup>10</sup> Е.И.Журбина,<sup>11</sup> В.И.Здоровега,<sup>12</sup>  
М.И.Стюфляева,<sup>13</sup> В.Зайцев,<sup>14</sup> Е.В.Зеленина,<sup>15</sup> Л.М.Землянова,<sup>16</sup>  
Д.Каплунов,<sup>17</sup> М.Н.Ким,<sup>18</sup> С.Г.Корконосенко,<sup>19</sup> Г.В.Лазутина,<sup>20</sup>  
Б.Я.Мисонжников,<sup>21</sup> А.В.Полонский,<sup>22</sup> Г.В.Прутцков,<sup>23</sup> А.В.Россохин,<sup>24</sup>  
П.П.Каминский,<sup>25</sup> С.И.Сметанина,<sup>26</sup> А.Н.Тепляшина,<sup>27</sup> Б.В.Стрельцов<sup>28</sup> ва  
бошқалар томонидан ушбу масалага эътибор қаратилди.

Туркий халқлар публицистикашунослиги бадий адабиёт билан боғлиқ  
ўрганилди, услуб ва тил масалалари эътиборга олинди. Мазкур масала,  
жумладан, С.Қўзибаев, Қ.Асанов, Б.Жақип, М.Нурмухамедов, Т.Эрназаров ва  
А.Акбаров, О.Тоғаев, О.Саидов, Р.Мухаммадиев, Ф.Мўминов,

<sup>9</sup> Горохов В.И. Закономерности публицистического творчества. – М.: Мысль, 1975. – 190 с.

<sup>10</sup> Тертычный А.А. Жанры периодической печати. Учебное пособие для студ. вузов. – М.: АСПЕКТ ПРЕСС, 2010. – 312 с.; Сол автор. Публицистика в современных СМИ: рефлексия и практика // Вестник РУДН. Серия: Литературоведение. Журналистика. 2018. Т. 23, № 1. – С. 95-102.

<sup>11</sup> Журбина Е.И. Повесть с двумя сюжетами (о публицистической прозе). Изд-е 2-е, допол. – М.: Сов. писатель, 1979. – 375 с.

<sup>12</sup> Здоровега В.И. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. – М.: Мысль, 1979. – 174 с.

<sup>13</sup> Стюфляева М.И. Образные ресурсы публицистики. – М.: Мысль, 1982. – 176 с.

<sup>14</sup> Зайцев В. Избранная философская публицистика. А. Шопенгауэр, Дж.Ст. Милль, В.Г. Белинский, Н.А. Добролюбов. – М.: «Либроком», 2011. – 162 с.

<sup>15</sup> Зеленина Е.В. Философская публицистика: ценностно-смысловые аспекты // Вопросы теории и практики журналистики. 2013. – № 1. – С. 100-110.

<sup>16</sup> Землянова Л.М. Современная американская коммуникативистика: теоретические концепции, проблемы, прогнозы. – М.: Изд-во МГУ, 1995. – 271 с.

<sup>17</sup> Каплунов Д. Нейрокопирование. 100 приемов влияния с помощью текста. – М.: Изд-во «Э», 2018.

<sup>18</sup> Ким М.Н. Новостная журналистика. Базовый курс. Учебник. – СПб.: Издательство Михайлова В.А., 2005. – 352 с.; Сол автор. Основы теории журналистики: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2013. – 288 с.

<sup>19</sup> Корконосенко С.Г. Основы журналистики. Учебник для студ. вузов, обучающ. по напр. и спец. «Журналистика». – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС. 2002.; Сол автор. History of journalism theories as a research project // Current Issues of Science and Research in the Global World: Proceedings of the International Conference on Current Issues of Science and Research in the Global World. Leiden, The Netherlands: CRC Press/Balkema, 2015.

<sup>20</sup> Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. Учебник для студентов вузов / Г.В.Лазутина. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Аспект Пресс, 2010. – 240 с.

<sup>21</sup> Мисонжников Б.Я. Публицистический медиатекст: поликодовые аспекты как предмет герменевтики // Вестник Тверск. гос. ун-та. Сер. Филология. 2013. № 4. Вып. 1. – 54-61 с.

<sup>22</sup> Полонский А. В. Сущность и язык публицистики. Белгород: Политера, 2009. – 238 с.; Сол автор. Публицистика как особый вид творческой деятельности / А.В. Полонский; БелГУ // Научные ведомости БелГУ. Сер. Гуманитарные науки. – 2008. - №11. Вып.1. – С. 56-61.

<sup>23</sup> Прутцков Г.В. Введение в мировую журналистику. От Античности до конца XVIII в. Уч.-мет. комплекс (учебное пособие, хрестоматия). Под ред. Я.Н. Засурского. – М.: Аспект Пресс, 2010. – 432 с.

<sup>24</sup> Россохин, А. В. Рефлексия и внутренний диалог в изменённых состояниях сознания: Интерсознание в психоанализе. – М.: Когито-Центр, 2010. – С. 154.

<sup>25</sup> Каминский П.П. Принципы исследования публицистики на современном этапе // Вестн. Томского гос. ун-та. Филология. 2007. – № 1. <http://cyberleninka.ru/article/n/printsiyu-issledovaniyapublistitsiki-na-sovremennom-etape>

<sup>26</sup> Сметанина С.И. Журналистский текст: культура понимания и редактирования // Методы и методики понимания в журналистике и массовых коммуникациях. СПб., 2015. [http://medialing.spbu.ru/upload/files/file\\_1497713146\\_8368.pdf](http://medialing.spbu.ru/upload/files/file_1497713146_8368.pdf)

<sup>27</sup> Тепляшина А.Н. Художественно-эстетический эффект современной газетной публицистики. URL: <http://vestnikphil.spbu.ru/ru/issues/1101/822>

<sup>28</sup> Стрельцов Б.В. Основы публицистики. Жанры. [Учеб.пособие для студентов-иностранцев, обучающихся по спец. «Журналистика»] – Минск: Университетское, 1990. – 239 с.

М.Худойқулов, Ф.Мўминова, Қ.Жаримбетов ва бошқаларнинг асарларида қисман ёритилди.<sup>29</sup>

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли» ва «Мустақиллик йилларида қорақалпоқ журналистикаси жанрларининг ривожланиши, тили ва услуги» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** публицистикани комплексли ўрганиш асосида публицистика назариясининг яхлит концепциясини аниқлаш ва унинг назарий категорияларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

публицистиканинг фаолият шакли сифатидаги моҳиятини ўрганиш;  
публицистик асар яратиш ижодий жараёнига тавсиф бериш, таҳлил этилаётган муаммога аудитория эътиборини жалб этишда публицистиканинг психологик методи сифатида инкишоф этиш;

публицистик асар субъектларининг кўп қиёфали ва публицистик объектлар кўп бўлиши мумкинлиги намоён этиш;

ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий фаолият сифатидаги публицистиканинг ташкилий сифатларини, умумий ва хусусий методларини аниқлаш ҳамда кўриб чиқиш;

публицистик фаолиятнинг функциялари тизимива принцип каби муҳим назарий категориянинг тизимини янги ёндашув асосида чиқариб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумдунёвий ва миллий тамаддунинг бир йўналиши сифатидаги публицистика, шу соҳадаги назарий ишланмалар, рисоалар ва Қорақалпоғистон матбуотида эълон қилинган публицистик асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** публицистика назарий категорияларининг яхлит тизими ва уларнинг ички таркиби ҳамда хусусиятлари, дунё ва республикамиз публицистик амалиётига асосланиб ишлаб чиқилган асарлар ва манбалар ташкил этади.

---

<sup>29</sup>Журналистика Казахстана. Энциклопедия. Козыбаев С.К. др. – Алматы, «Экономика», 2006. – 540 с.; Асанов Қ. Айтыс өнерінің публицистикалық сипаты: Монография. – Астана: Фолиант, 2010. – 400 б.; Жақып Б. Қазақ публицистикасының қалыптасып даму жолдары. – Алматы: Білім, 2004. – 368 б.; Нурмухамедов М. Таңламалы шығармаларының 2 томлығы. II том. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1985. – 440 б.; Эрназаров Т.Э., Акбаров А.И. История печати Узбекистана. Уч. пос. для факульт. и отд. журналистики ун-тов. 3 жылдда. 1 жылд. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 240 с.; Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Т.: 1976. – 128 б.; Саидов О.Ш. Сатирическая публицистика в периодической печати. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 119 с.; Мухаммадиев Р. Ўзбек совет публицистикаси. – Т.: Фан, 1977. – 326.; Муминов Ф.А. Метод журналистики и методы деятельности журналистов. – Т.: «Университет», 1998. – 172 с.; Ушбу муаллиф: Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: «Университет», 1998. – 176 б.; Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. Ф.А.Мўминов (гуруҳ раҳбари), А.Н.Нурматов, М.Солиева ва бошқ. 2-нашр. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 327 б.; А.Нурматов, Б.Дўстқораев, Ф.Мўминов ва бошқ. Журналистика назарияси, тарихи ва тараққиёти [Матн]. Ж. 1. Т.: Ўзбекистон, 2019. – 584 б.; Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: «Tafakkur» нашриёти, 2011. – 287 б.; Муминова Ф.И. Международная журналистика. – Т.: ЖИДУ, 2017. – 271 б.; Жаримбетов Қ. Эдебияттанўйдан сабақлар. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 2012. – 95 б.; Ушбу муаллиф: XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери хәм раўажланыў тарийхи. – Н.: Билим, 2004. – 187 б.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихий-типологик, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

публицистиканинг «ижод тури» ва «махсус услубда бажарилган матнлар» маъноларидан ташқари дефинициянинг аудитория учун муҳим бўлган «публицистик асар яратиш механизми» ва публицистикани тўртинчи ҳокимият мавқеига етказадиган «ижтимоий институт» тушунчаларига ҳам эга эканлиги исботланган;

публицистиканинг субъекти ва предмети тадқиқ қилинган ва унинг предметининг одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, турмушнинг ишлаб чиқаришга оид иқтисодий, илмий, ахлоқ-одобга тааллуқли жиҳатлари аниқланган;

ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий фаолият сифатидаги публицистиканинг ташкилий қисмлари, умумий ва хусусий методлари тадқиқ қилинган;

публицистик матннинг интерматн, спатиумматн ҳамда хрономатндан иборат эканлиги аниқланган;

публицистиканинг контактли, когнитив, намоишкороналик, экспрессивлик, аксиологик ва ташкилотчилик-сафарбар этувчилик функциялари тизими тавсифланган;

публицистиканинг оммавийлик, фуқаровийлик, гуманизм, илмийлик, объективлик, шахсиятлилик ва ахлоқийлик каби асосий принциплари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

публицистика назарияси бўйича кенг миқёсдаги ҳалқаро тадқиқотлар тизими келтирилган ва мутахассисларга тақдим этилган;

катта ҳажмдаги журналистик ва публицистик амалиёт умумлаштирилган, бу ҳаракат мутахассисларга публицистик асар яратилиши механизми кўрсатилган;

муаллиф томонидан публицистиканинг янги, яхлит назарий концепциясини яратилган, бу, ўз навбатида, публицистлар ва амалиётчи журналистларга оммавий аудиторияга самарали таъсир этишининг энг қисқа йўлини кўрсатган;

яқин йиллар ичида қорақалпоқ публицистларининг ҳаракатлари қандай бўлиши мумкинлиги ва публицистик амалий ижод етакчи назарий тушунчалар туридаги илмий таҳлилларга асосланганлиги кўрсатилган;

публицистиканинг умумий ва хусусий методлари публицистик асар яратилишининг амалий усуллари сифатида далилланган;

қорақалпоқ публицистларининг ижоди, публицистик матн диалоглардан иборат бўлиши, аудитория (публика)нинг таъсир қилиш объекти эканлиги, ахборот каналларининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши исботланган;

тадқиқот материаллари асосида замонавий қорақалпоқ публицистикаси назарияси янги илмий маълумотлар билан тўлдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини** ишда фойдаланилган таянч тушунчалар бўйича фундаментал илмий ва методологик, фалсафий ва

махсус адабиётларга таянилгани, аввал қўлга киритилган илмий натижалар ҳар тарафлама таҳлил қилингани, ўртага қўрилган вазифаларнинг изчил таҳлили ёрдамида янги ғояларнинг асосли исботланиши ва публицистика амалиёти ҳамда мантиқ қонуниятлари негизида хулосалар чиқарилганлиги, шунингдек, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Қўлга киритилган натижалар профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, магистр ва бакалаврларнинг публицистика ва журналистика назарияси соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришида, журналистика ва публицистика назариёти ва амалиёти бўйича умумий ва махсус курслар ўқишда, мазкур йўналишларда дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва методик ишланмалар, илмий мақолалар тайёрлашда таянч материал бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Натижаларнинг *амалий қиймати* шундаки, улар публицистика кўмагида ҳозирги замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларига аудиториянинг эътиборини жалб этиб, уларнинг муҳокама этилиши ва тегишли қарорлар чиқарилишини таъминлашга, Қорақалпоғистон тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан муаллифлар чиқишларининг таъсирчанлигини оширишга, медиалар таҳририятлари ходимларининг касбий савиясини юксалтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Публицистика назариясининг яхлит концепцияси ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

публицистика назариясининг яхлит концепцияси тўғрисидаги замонавий илмий қарашлари ва хулосалари, публицистикани тадқиқ қилишдаги янгича ёндашувларидан Қорақалпоғистон Республикаси оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар ва нашриётлар фаолиятининг сифат жиҳатдан яхшиланишига асос бўлган (Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасининг 2020 йил 28 сентябрдаги БК-01-246- сон маълумотномаси). Натижада публицистиканинг аввалдан маълум иккита тушунчасидан ташқари «публицистик асар яратиш механизми» ва «ижтимоий институт» маъноларида талқин этиш орқали матбуот ва нашриётнинг жамиятдаги ўрнини кенгроқ тушунишга, соҳанинг ривожланишига оид билимларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

публицистиканинг умумий ҳамда хусусий методлари, ижтимоий коммуникациялар, бадий адабиёт, мафкура ҳамда журналистика ва публицистика принциплари, публицистика субъекти ва предмети, ахборот етказиб бериш каналларининг ўзига хос хусусиятларига оид назарий ва илмий хулосалари таълим муассасаларида чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларининг давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган даражада қайд қилинган ва умумтаълим мактаблари 10- ва 11- синф ўқувчиларининг таълим-тарбия ва тўғарак ишлари дарсларини ўтишда илмий-амалий манба сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўрта

махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг 2016 йил 30 январдаги №АА-01/4708- сон, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 26 сентябрдаги 01-01/10-2599- сон маълумотномалари). Натижада мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбияланишида, миллий ўзликни англашида назарий асос бўлган;

диссертация иши натижаларидан Бердақ Миллий музейида қорақалпоқ мумтоз шоирлари ҳаёти ва ижодиёти бўйича кўргазмали, экскурс дарсларини ўтишда ва илмий-амалий анжуманларда маъруза шаклида қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги №2-02/1135- сон маълумотномаси). Натижада адиблар ижодида публицистик пафос ва публицистик руҳни кўрсатиш, йирик асарларидаги публицистик унсурларни аниқлаш, поэтик хусусиятларини очиб бериш имконияти яратилган;

публицистик матн интерматн, спатиумматн ва хрономатндан иборатлиги, генетик диалог сифатидаги кўринишларидаги ўзига хос хусусиятларига оид тавсияларидан келиб чиқиб улар Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Хабар”, “Ассалаўма элейкум, Қарақалпақстан”, “Айқулак”, “Балалықты еслеп”, “Туўылған жер сағынышы”, «Әдебий портрет», “Мүнәсибет”, “Жаслар ушын”, “7-студия”, “Еркин пикир”, «Гәўхар сөзлер», “Қайырлы таң”, «Яднама», “Аўыл турмысы”, «Әдебият хәм дәўир», «Сенбес жулдызлар», «Изленис» кўрсатувлари ва эшиттиришлари орқали кенг оммага тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2017 йил 20 январдаги 01-02/29- сон, 2020 йил 23 сентябрдаги 01-02/186-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар мазмун-мундарижасининг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган;

публицистиканинг контактли, когнитив, намоийшкороналик, экспрессивлик, аксиологик ва ташкилотчилик-сафарбар этувчиликфункциялари тизимига доир хулосалардан «Ақмаңғыт таңы» газетасида бажарилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоавий фондининг «Очиқлик – демократия гарови» номидаги лойиҳада фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасининг 2020 йил 28 сентябрдаги БК-01-246-сон маълумотномаси). Натижада публицистикани ижтимоий институт сифатида талқин этиш орқали журналистиканинг жамиятдаги ўрнини кенгроқ тушунишга, соҳанинг ривожланишига оид билимларни такомиллаштиришга асос бўлган.<sup>30</sup>

---

<sup>30</sup>Муаллиф Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг “Йилнинг энг фаол журналисти – 2012” танлови ғолиби (асосий ўрин), ОТМ муассасаларида “Йилнинг энг яхши педагог-тадқиқотчиси -2018” номинацияси ғолиби, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар Кўмитасининг “Йил аёли – 2018” Миллий танлови ғолиби, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси Фахрий Ёрлиғи (2019) билан мукофотланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та республика, 6 та халқаро конференцияларда маъруза шаклида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий асар, жумладан, 1 та монография, 1 та тўпламда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, республика нашрларида 10 та, хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан таркиб топган, умумий ҳажми 243 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Публицистиканинг моҳияти, субъекти ва предмети**» деб номланиб, унда публицистика назариясига боғлиқ жаҳон журналистикаси фанидаги илмий-назарий қарашлар умумийлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.<sup>31</sup> Боб “Публицистика ижтимоий институт сифатида”, “Публицистика субъекти” ҳамда “Публицистика предмети” деб номланган учта фаслдан ташкил топган.

Публицистикани ижтимоий институт деб қарашга мумкинми ёки йўқми деган масала ушбу сатрлар муаллифининг PhD диссертациясининг ҳар бир муҳокамасида мутахассислар ўртасида бир неча йил давомида баҳсли мулоҳазаларни келтириб чиқазган эди. Ушбу масала бўйича диссертант томонидан берилган қисқача тушунтиришлар уйлаганимиздек натижа бермади. Кўпчилик мутахассислар ижтимоий институтни фақат тизимлаштиришган тузилиш сифатидагина тушуниши ҳайрон қолдиради. Бу ҳолатлар бизни, публицистика тушунчаси кенг тарқалган экан, уни ҳам шундай ижтимоий институт деб қарашга бўладими деган масалага яна қайтишга ва унга кенгроқ тўхталишга ундади.

Биз ижтимоий институтлар – муҳим бир моддий структуралардан иборат бўлган уюшмаларнинг мажмуасигина эмас, шунингдек, номоддий,

---

<sup>31</sup> Аввалги ҳаволаларга қаралсин.

кадриятлик характердаги ижтимоий муносабатларнинг доимий тизими деб қаралса, тавсиф анча аниқроқ бўларди, деган фикрдамиз.

Публицистика шунинг учун ижтимоий институт ҳисобланиши керакки, чунки у барча одамлар томонидан тан олинган тан олинган, ижтимоий муносабатларни тартиблаштирадиган, даъват этиш кучига эга бўлган, одамларни ижтимоий акцияларга ташкил этиб, сафар эта олаётган тармоқлараро кадриятли ижтимоий институт (тармоқлараро дегани журналистика, пропаганда, адабиёт, шеърят ва бошқа соҳаларга хос бўлган ижод тури). Журналистика жамиятнинг ташкилий структурасига эга ижтимоий институт ҳисобланади, публицистика эса руҳий, даъват этувчи, ишонтирувчи ижтимоий институтдир. Публицистика борми, у кенг миқёсда тарқалган ҳодисами, демак у ижтимоий институт.

Шунингдек, публицистика тушунчасини янгича англаш зарурлиги тўғрисида ҳам гап боради. Унинг аввалги маъноси луғатлар, энциклопедиялар ва олимларнинг ушбу муаммога бағишланган асарлари бўйича ўрганиб чиқилди.<sup>32</sup> Бунинг натижасида ушбу атама икки маънода – ижоднинг бир тури ва алоҳида хусусиятга эга бўлган матн сифатида қўллаб келингани аниқланди. Муаллифнинг фикрига кўра, “публицистика” сўзининг тўртта асосий маъносини ажратиш мумкин: 1) муайян мавзунини танлаб олиш ва ўткирлаштирилган хусусият бахш этган ҳолда публицистик асарни яратиш; 2) ижод тури; 3) махсус услубдаги матнлар; 4) ижтимоий институт.

Иккинчи фаслда **публицистика субъекти** кўриб чиқилган. Кимнинг *субъект* бўлиши масаласининг конкрет ечими ниманинг публицистика деб аталишига боғлиқ. Ишда кўрсатилганидек, плакатни, расмни, хужжатли кинони, театр томошасини ва мусиқа асарини ҳам публицистикали деб аташ мумкин, ҳатто карикатуралар, шарҳлар, графикада ҳам публицистика унсурлари бор. Публицистиканинг йўналишлари сероб, у оғзаки, ёзма, товушли, шунингдек, тасвирлидир. Бинобарин, шундай асарларнинг муаллифлари у ёки бу даражада ушбу ижод турининг субъектларига айланишлари мумкин.

Публицистика субъекти, шубҳасиз, публицистдир. Аммо публицистика шеърларда, романларда, тарихий хроникаларда, ҳатто мактубларда ҳам мавжуд. Чунончи, муаллиф фикрича, гимннинг шеърини матни – юз фоиз публицистикадир.<sup>33</sup> Шунинг учун ҳам, публицистиканинг бевосита субъектлари, асосий иш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, публицистлар

---

<sup>32</sup>Қаралсин: Краткая литературная энциклопедия. Гл. ред. А.А.Сурков. – Т. 6. – М.: Сов.энциклопедия, 1971; Литературный энциклопедический словарь. –М., 1987; Прохоров Е.П. Искусство публицистики. – М.: Сов.писатель, 1984; Ученова В.В. Публицистика и политика. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1979; Здоровева В.И. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. – М.: Мысль, 1979; Электронный большой энциклопедический словарь (h43f="h55p://www.adv.s3am3d8a.4u/op3nx/www/d3l8v34y/ck.php?n=a9fcc865&cb=8NS345\_4ANDOM\_NUMB34\_H343" 5a4g35="\_blank"><8mg4c=".12.09.2014. 14:43.Фоминых В.Н. К спорам о публицистике (о трехзначном смысле термина «публицистика») // Журналистика развитого социализма: вопросы теории и методики. Свердловск: Изд-во Уральск.ун-та, 1980. – С. 68-69.

<sup>33</sup>Қаралсин: Машарипова Т.Гимннинг публицистикалык тилсими // “Еркин Қарақалпақстан”. 2014. 4-декабрь; Ушбу муаллиф. Ғарезсизлик қосығы гимннің публицистикалык пафосы // «Қарақалпақстан мәдениеті». 2017. 27-август.

бўлар экан, ижтимоий муҳим мавзуда публицистик йўналишда асар яратган шахслар, яъни шоирлар, олимлар, рассомлар, фотографлар публицистиканинг билвосита субъектлари бўлиши мумкин. Ёзувчи ҳам публицистик жиҳатига кўра, публицистика субъекти бўлади. Буни Чингиз Айтматов, Тўлепберген Қайипбергенов ёки Ибрайим Юсупов мисолида тушуниш мумкин. Хуллас, публицистика субъектларини асарнинг хоссаларидан келиб чиқадиган омиллар – мазмун ва шакл, таҳлил этилаётган ғоя ва муаллиф нуқтаи назари, жанрлар, услуб ҳамда тилга кўра таснифлаш мумкин. Ўзбекистонда мустақиллик даврида Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Эркин Аъзамов, Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хайридин Султонов, Мухтор Худойкулов каби кўплаб ижодкорлар публицистика субъектларига айланишди. Қорақалпоқ публицистикасининг субъектлари сифатида эса Ўрозбай Абдурахмонов, Шарап Уснатдинов, Гулистон Матёкубова, Кенгесбай Реймов ва бошқа таниқли муаллифларнинг номларини келтириш мумкин. Кўпгина ёзувчилар публицистик буёқларга бой асарлари билан қорақалпоқ китобхонларига танилди. Гулайша Есемуратова, Саригул Баҳадирова, Кенгесбай Каримов, Кенгесбай Алламбергенов, Бахтияр Генжемуратов, Сағинбай Ибрагимов, Гулистан Даулетова, Назира Матякупова ва бошқалар ҳам публицистика билан астойдил шуғулланаётган ва шу йўналишда самарали ижод қилиб келаётган Қорақалпоғистон публицистларининг бугунги замон авлодидир.

Публицистиканинг **объектини** аниқлаш икки муҳим тушунчага боғлиқ: биринчидан, объект субъектдан айру ҳолда мавжуд бўла олмаслиги сабабли, ва, иккинчидан, публицистиканинг субъекти ким, деган масала. Публицистика субъекти – публицистнинг ўзи, бироқ шу жойнинг ўзида назария учун мураккаблик касб этадиган иккига айрилиш юз беради. Чунки публицистиканинг объектини унинг субъекти орқали ўрганишнинг икки маъноси, икки қиймати бор. Публицистика воқеликни ўзининг асосий объект сифатида ўрганади. Бироқ публицистиканинг субъекти конкрет объектга таъсир қилади, яъни умумий маънодаги воқеликнинг бевосита ўзига эмас, балки аудиториянинг шуурига таъсир ўтказади. Муаллифнинг фикрича, униси ҳам, буниси ҳам ушбу воқелик муҳитида фаолият кўрсатувчи одамлараро муносабатлар тушунчасида бирлашади.

Публицистикада муаллиф билан материал узвий бирликда бўлади. Публицист мавзуни аниқлайди, унинг шакл-шамойилини ишлаб чиқади ва адабий жиҳатдан такомиллига етказади. Аммо энг катта субъект, таъбир жоиз бўлса, метасубъект – бу атрофдаги одамлар, аудиториядир, айнан у публицистга мавзуни шипшитиб туради. Публицист аллақандай бўшлиқда фаолият юритмайди, теварагидаги одамлар унга мавзуни, сюжетни, образларни, ғояларни, эпизодларни, чизгиларни ва ҳатто мақолаларнинг сарлавҳаларни ҳам айтиб турадилар. Аммо шунга қарамай, аудиторияни ҳам, воқеликнинг ўзини ҳам публицистик асарнинг субъектлари деб тўғридан-тўғри атаб бўлмайди. Бундай субъект публицистдир. Бунда фақат шуни қайд этиш керакки, публицист сифатидаги субъект билан жамоавий контекстда

яшайдиган субъект (шахс), яъни муаллиф ва аудитория ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ, чунки публицист кўп нарсани ўзини ўраб турган шахслардан, ижтимоий муҳитдан олади.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида **предмет** категорияси кўриб чиқилган. Афсуски, айрим луғат ва энциклопедияларда бундай мақоланинг ўзи йўқ. “Публицистика предмети” тушунчасини Е.П.Прохоров ва В.И.Здоровева бошқаларга қараганда анча батафсил тадқиқ этишган. Е.П.Прохоровнинг докторлик диссертацияси баёнидан иборат бўлган ва уни илмий жамоатчиликка танитган «Публицист ва воқелик» монографиясида амалда фақат икки категория – функция ва предмет масаласи, қайсидир ўринда жузъий равишда, қайсидир ўринларда эса ҳаддан ташқари батафсил тарзда кўриб чиқилади. Муаллиф билишнинг ҳар бир соҳаси предмети аниқлаш жиддий методологик муаммо эканлигини қайд этади.

Ундан бир неча йил кейин В.И.Здоровева ҳақли равишда бундай деб ёзган эди: «Публицистиканинг объекти, худди илм-фан ва санъатда бўлгани каби, беҳисоб мураккабликлар ва ўзаро алоқадорликларга эга бўлган реал ижтимоий воқелик (бунга ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маиший турмуш, ахлоқ ва бошқалар ҳам киради)нинг ўзидир. Унинг предмети (яъни субъект томонидан чуқурроқ англаш мақсадида бўлакларга ажратилган объектив воқелик «сектор»и) эса – энг аввало одамлар ўртасидаги **ижтимоий муносабатлар, турмушнинг ишлаб чиқаришга оид, иқтисодий, илмий, ахлоқ-одобга тааллуқли, адабий ва бошқа хоказо соҳаларининг ижтимоий-сиёсий жиҳатларидан иборат...**(таъкид бизники – Т.М.).<sup>34</sup> Бу нуқтаи назарга қўшилиш керак, деб ўйлаймиз.

Ушбу ишнинг муаллифи одамлараро муносабатлар этикага, аниқроқ қилиб айтганда, одобга асосланади, деб билади. Бизнингча, одоб тушунчаси публицистиканинг моҳиятини аниқ ифода этади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, одоб қоидаларининг бузилиши – публицистиканинг моҳиятини ташкил этади. Зеро шу ҳолдагина публицистика орқали кейинчалик ҳал этадиган муаммолар юзага келади. Хуллас, муаллифнинг фикрича, *публицистиканинг предмети – одамлараро муносабатларда одобнинг етишмаслигидадир.*

**“Публицистик интерматн: генезис ва структура”** деб аталган иккинчи бобнинг **“Публицистикадаинтерматнлилик муаммоси”** деб номланган биринчи фаслида қуйидаги иккита тезисни далиллаб беришга ҳаракат қилинди: 1) муаллиф томонидан ўқувчига таклиф қилинган ҳар бир матн интерматн ҳисобланади; 2) Қорақалпоқ публицистик дostonларининг кўпчилиги интерматн характериға эға. Биринчи тезис, ўз навбатида, иккиға бўлинади: а) интерматн (муаллиф гипотезаси) дегани нима; б) постмодернчилар интерматн деганда нимани тушунади. Биз публицист томонидан матн яратилишини нейролингвистик дастурлаш жараёни билан баробар деб ҳисоблаймиз. Шусабабли ҳам публицист матн устида ишлаш жараёнида ўз асарининг аудитория томонидан қандай тушунилиб, қабул

<sup>34</sup>Здоровева В.И. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. – М.: Мысль. 1979. – С. 31.

этилишини шакллантиради, яъни у матнни таъсир дастури сифатида тузади. Нима сабаб публицист матни ўзгалар томонидан қабул қилинади? Гап одамнинг ўз билими ва сўзларини бошқалар билан биргаликта ижтимоий муҳитда шакллантираётганида.

Ўқув, билим, сўзлар, тушунча ва бошқаларнинг барчаси одамлар учун ақлий, интеллектуал муҳитга ҳос. Онгда ҳар бир сўз кўпгина одамлар томонидан пайдо қилинган бўлиб, шу сабабли ҳар бир сўз жамоавийлик характерга эга. Демак, публицист қўллаётган сўз ва тушунчалар ҳаммага таниш. Бунда инсон фойдаланаётган сўзлар кўпчиликка маълум бўлиб, одамдан ажралиб чиққанлари (масалан, қоғозга туширилган асар) интерматн ҳисобланади, шундан уни бошқалар англайди, тушунади деган муҳим хулоса келиб чиқади. Матн кўпчилик учун ва бир вақтда тушунарли бўларкан, демак у интерматн, яъни ҳаммага таниш сўзлар бўлади. Шундай қилиб, матн доимо интерматн бўлади. Унинг ёрдамида баён қилинган ғоя доимо интерғоя ҳисобланади. Ғоя тушунарли бўлиши учун у одамлар томонидан илғаб, англаб, тушуна оладиган, яъни интерғоя характерига эга бўлиши лозим. Шундай қилиб, биз матннинг яна бир сифатини келтирмоқдамиз. Матн фақатгина индивидуал, шахсий матн кўринишида бўлиши мумкин, муаллифдан ажралиб чиққан матн эса интерматн тарзида бўлади. Ҳар қандай ички матн индивидуал матн, бироқ хоҳлаган тарздаги, масалан, қўлёзма ёки эълон қилинган нарсга абсолют тарзда интерматн деб ҳисобланиши лозим.

Бизнингча, бу ердаги ҳамма гап рус олими М.М.Бахтин (1895-1975)дан бошланган.<sup>35</sup> У диалог табиатини жуда теран таҳлил қилиб, қайси бир асарнинг матни ундан олдин ёки у билан параллел пайтда пайдо бўлган, бошқа матнлар билан алоқага киришишга замин яратганлигини ўрганди. Бунга матн фақат аввалги ва “қурдош” балки кейинги матнлар пайдо бўлишига ҳам таъсирини кўрсатиши мумкинлигини қўшимча қилиш мумкин. М.М.Бахтиннинг полифония назарияси ва уни тушунтириш учун Ф.М.Достоевскийнинг ижоди орқали бадиий эстетик тушунчаларни таҳлил қилиши интерматннинг асосий белгилари ҳисобланиши мумкин.

Интерматн тушунчасини биринчилардан бўлиб Ю.Кристева 1967 йилда қўллаган эди. Бироқ унинг бу ишини олимлар бирдек маъқуллагани йўқ, қолаверса, муаллиф мазкур масалада қаттиқ танқидга учради. Р.Бартдай машҳур олим болгариялик ёш тадқиқотчини ёқлаб чиққандан кейингина атама илмий доирага кирди. Бу фикрни ривожлантириб, айтиш мумкинки, хоҳлаган матннинг оммавий тарзи умумий характерга эга бўлиб, унинг асосий ва белгиловчи томонидир. Публицистик матн фақатгина ухудудий тарафдан бадиий ва илмий асар орасидаги муҳит ҳисобланса ҳам, ҳиссий дунёқарашидан бадиий асардан асло қолишмайди. Фарқи, бадиий асарга хос ҳис-туйғулар янада нозик, публицистик асарга хос туйғулар бўлса маълум даражада сиёсийроқдир. Назаримизда, қорақалпоқ дostonларининг барчаси, сўзсиз, интерматнлик характерга эга. Шу фикрни асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

---

<sup>35</sup> Қаралсин: Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. М.: Азбука, 2016 г. Стр.416.  
[www.labyrinth.ru/books/512430](http://www.labyrinth.ru/books/512430)

Қорақалпоқ дostonларининг мазмун-моҳияти бундай интерматнликка мисол бўла олади. Яна бир тарафи шундаки, бундай интерматнлик нафақат муҳит, балки замонлар кесимида ҳам тасдиқланади. Муҳит деб, худудий маънода айтилиши мумкин, Алпомиш ва Барчиной, Ғариб Ошиқ ва Шохсанамнинг образлари фақат қорақалпоқларга тегишли бўлиб қолмай, бошқа худудларда яшайдиган туркий халқлар учун ҳам таниш ҳисобланади. Матн, шу билан биргаликда, фойдаланувчиларга таъсир этишнинг ўзига хос дастури ҳам бўлади. Публицистнинг ўзи шу аудиториянинг биринчи ва энг талабчан вакили. Умуман олганда, матн тузиш нейролингвистик дастурлаш жараёни дейиш мумкин, шунинг учун, бир тарафдан, матн билан муаллифнинг, иккинчидан, оммавий аудитория билан ўзаро боғлиқлигини, яъни аудиторияга таъсир этишни матн ижодкорлик жараёнини чуқур англаши зарур. “Постмодернизмда замоннинг охирига етиши, худонинг, файласуфнинг, субъектнинг, муаллифнинг, матннинг, бастакорнинг ўлими ғояси бор. Жак Деррида, Жил Делёз, Мишел Фуко, Ролан Барт, Жан Бодрийар, Жан Франсуа Лиотар, Жак Лакан ва бошқалар бундай замонавий тарздаги фалсафий фикрлашнинг энг машҳур вакиллари ҳисобланади”.<sup>36</sup> Уларнинг фикрларидан фарқи, бизнинг умумий хулосамиз шундан иборат – матн ўлмайди, у интерматнгача ўсиб боради, интерматн бўлса ўлмайдиган характерга эга.

**«Публицистик интерматн»** деб номланган иккинчи фаслда интерматннинг ва интерматнлиликнинг ўз олдига бўлак қаралиши ҳозирги даврдаги энг номдор илмий оқим – постмодернизмнинг фаолиятида матнни тушуниш ва маъносини очиб бериш бўйича янгича ёндашув, янгича муносабат юзага келиши билан боғлиқ. Матн тушунчасини биз олдин ҳам кўриб чиққан эдик. Энди интерматн тушунчасига тўхтаймиз.

Интерматннинг пайдо бўлишини постмодернизмга асос солувчилардан бири Ролан Барт қуйидагича изоҳлайди: “Матн – бу Газлама; бироқ шу вақтгача бу газламани унинг нариги тарафида каттами ё кичикми маъно (ҳақиқат) яширинган бир парда деб ҳисоблаб келинди; бизлар – постмодернчилар – бу газлама ҳақида айта туриб, унинг туғилиш ғоясига диққат қаратдик. Бу ғоя бўйича матн яратилди, сон-саноксиз сабоқларнинг ўрилиши натижасида шаклланди”.<sup>37</sup> Кўриниб турганидай, Барتنинг фикрича, янги матннинг газламаси олдиндан мавжуд иплардан тўқилади, яъни олдин яратилган ҳар хил матнларнинг узундиларидан ясалади. Бу, демак – интерматн. Бу масалага биринчи бўлиб аслида болгариялик, кейинча Франция фуқароси бўлган тадқиқотчи Юлия Кристева диққат қаратди. У интерматн тушунчаси М.М.Бахтиннинг полифония назариясидан келиб чиқишини айтди: “Бахтинда, шу икки – диалог ва амбивалентлик деб аталувчи тушунчаларнинг чегараси етарли даражада аниқ эмас, бироқ бу ҳолатда қатъий аниқликнинг етишмаслигини адабиёт назариясида Бахтин тарафидан биринчи очилган янгилик сифатида қаралиши лозим бўлади:

<sup>36</sup><http://www.bolshoyvopros.ru/questions/2383584-kakie-est-filosofy-postmodernisty.html>

<sup>37</sup>Барт Р. Удовольствие от текста // Избранные работы: Семиотика: Поэтика. Пер. с франц. Сост., общ.ред. и вступит. ст. Г.К.Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – С. 515.<http://www.artcritic.guru/roland-barthes/>

хоҳлаган матн цитаталарнинг мозаикасидан ясалади, хоҳлаган матн қандайдир бошқа матнни ўзига сингдирган ва ўзгаришга учратган бўлади”.<sup>38</sup> Постмодернчилар матнни шунчалик даражада ностандарт усулда тушунтириб бошладики, улар, аниқ қилиб айтганда, ўзларигача бўлган адабиётшунослик методологиясини назарга илмади ва марказий бош ўринга матнни ҳам уни яратадиган яна қабул этадиган одамни қўйди. Агарда ёзувчиларнинг ва ўқувчиларнинг характерлари, дунёқарашлари, ақллари ҳар хил бўлишини ҳисобга олсак, унда матнни интерпретациялашнинг кўринишлари ва методларининг бутунлай чексиз бўлиши аниқ.

Биз қуйидаги гипотезани олға сураимиз. Интерматн ҳақида постмодернчиларнинг биринчилардан бўлиб гап очганига қарамасдан, уларни фақат шу терминнинг асосини солувчилар ва интерматннинг системали назариясини тузувчилар деб тан олиш керак.

«Спатиумматн ва хрономатн» деб аталган учинчи параграфда публицистик интерматннинг генетик, туб тегидаги маъноси уни икки тарафдан – майдондаги (макондаги) матн сифатида (спатиумматн) ва вақтдаги (замондаги) матн сифатида (хрономатн) қараб чиқиш имконини беради, деган илмий тахминни тавсия этамиз. Майдондаги матннинг қисқача қоидасини тузиш учун асос сифатида биз лотинча спатиум сўзини танлаб олдик, бу майдон деган маънони билдиради. Вақтдаги матн тушунчасига боғлиқ келишмовчиликлар кўзга ташланмади. Шу сабабли хрономатн сўзидан фойдаланилди. Майдон ва вақт материя яшашининг икки асосий шакли ҳисобланиши ва ўзаро зич боғлиқ эканлиги маълум. Шу сабабдан ҳам, публицистик матнни интерматнга айлантириш фақатгина майдонда ва вақт ичида амалга ошиши мумкин.

Хуллас, биз икки категория майдон ва вақт одам ўлчамига ва тушунчасига боғлиқ маълум даражада субъективлик сифатга, яъни индивиднинг психологиясига, характерига боғлиқ бўлади, деган яқунга келишимиз мумкин. Бу бизга уларни шартли турда ўз олдига категорияларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирининг хусусиятларини қараб чиқиш мумкинлигини беради.

Яқиндан бери хронотоп тушунчаси борган сари кенг таралмоқда. «Улкан психологик энциклопедия» муаллифлари унга қуйидагича қисқача тушунча берган: “Хронотоп (юнонча. *хроно* – вақт, *закон* ва *топос* – майдон, макон) – вақт ва майдон орасидаги боғлиқликни англатади. Ўзининг бутун тарихи давомида инсоният майдон ва вақтни енгишга ва уларни ўзига бўйсиндиришга ҳаракат қилди. А.А.Ухтомский томонидан қўлланилган термин М.М.Бахтин томонидан қабул қилиниб, унга қайта маъно берилди ва гуманитар илмлар ҳажмида адабиёт тадқиқотида фойдалана бошлади. Адабий хронотопда англаб етилган ва аниқ (конкрет) бутунликда майдон ва вақтлик белгиларнинг қўшилиб кетиши жой олади. Бунда вақт тортилиб, зичланади, бадийлик тарафдан кўзга ташланади, майдон тарафдан бўлса

---

<sup>38</sup>Кристева, Ю. Бахтин, слово, диалог и роман / В книге: // Французская семиотика. От структурализма к постструктурализму. – М. : Прогресс, 2000. – С. 430. // <http://www.klex.ru/ov5>

янада яқинроқ тус олади (М.М. Бахтин, 495-496-б.).<sup>39</sup> Бу иқтибосга шу жойда келтирилган фикрларнинг потенциалини топиш, шунингдек публицистик асар яратишда бу ресурсдан фойдаланиш тарафдан тушунча берамиз.

Майдон ва вақт одам учун ижтимоий атроф-муҳитга қараганда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади, сабаби бу космос ўлчамлари, улар оламда одамнинг алоҳида жонзот сифатида пайдо бўлишида ёрдам кўрсатди. Улар бекорлай олмайдиган яна одамнинг турмушига сўзсиз таъсир кўрсатадиган сифатга эга бўлади. Қисқача айтганда, индивид космос томонидан яратилган ва барча нарса унга тегишли бўлади. «Инсоният майдон ва вақтни енгишда яна уни ўзига қарам қилишга ҳаракат қилди» деган сўзлар солиштирма аҳамиятга эга. Майдонни ҳам, вақтни ҳам бўйсундириш мумкин эмас, булар абсолют ўлчамлар, улар инсондан ажралган ҳолда англамайди.

Гап бу сўзларнинг ўзгармали маънода, шунинг ичида публицистик мақсадларда фойдаланиши ҳақида бўлмоқда. Шундай усуллар билан муаллифлар ўз асарларида ўзларининг олдида қўйган мақсадларига эришиш йўлида ўта ақл-фаросат ёки кучли эрк кўрсатган одамларнинг ҳаётини тасвирлади. Бундай одамлар кўпинча публицистик асарларнинг қаҳрамонларига айланади. Шунинг учун, луғат муаллифларининг ёзганидек, инсониятнинг майдон ва вақтни бошқаришга интилиши субъективлик сифатга эга бўлади. У асосан публицистнинг воқеаларни, жараённи ёки одамларни кўрсатиб беришда яратувчанлик тарафини англатади.

Публицистик спатиумматн, яъни майдондаги матн дегани нима? Биз спатиумматннинг икки турини, ички ва ташқи турини айириб кўрсатиш керак, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг орасидаги айирма босмадаги публицистик матнлар мисолида аниқ кўришиб туради. Ички спатиумматн – бу ўйлаган публицистик мақсадга боғлиқ ҳарфлар, сўзлар, гаплар ва хатбошиларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқликда бўлиши.

Ташқи спатиумматн – бу матннинг ташқи матнга боғлиқлиги, унинг атроф-муҳитга ҳаракат этиб бориши, масалан, муаллифдан ўқувчига қараб, бир этнослардан, миллатлардан ва халқлардан бошқаларига қараб ўтиши ҳисобланади. Бунда публицистик интерматнни бошқа тилга таржима қилиб унинг майдондаги ҳаракатининг ўзидан ўзи тушуниладиган шарти ҳисобланади.

Хоҳлаган публицистик матн одатда вақт ичида ҳаракатланадиган бўлгани учун (энг камида, у яралган пайтдан бошлаб қандайдур маълум бир вақт ўтиши қарашидан), уларнинг барчаси сўзсиз хрономатнларга айланади. Шу қарашдан публицистик хрономатнларни мумтоз, бир кунлик ва оралик матнлар деб ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**«Объект ва канал»** деб номланган учинчи боб учта параграфдан иборат. “Публицистик матн диалог сифатида“ деб номланган биринчи параграфда “диалог“ сўзи маъноси луғатлардан кўрилди. Яккалик идеализми тарафдори бўлган философ-экзистенциалист Мартин Бубер бу тушунчани “диалог одамларнинг ўзаро ГАПЛАШИШИ билан чекланмайди, бу уларнинг

<sup>39</sup>Қаралсин: Бахтин, слово, диалог и роман / В книге: //Крестева, Ю. Французская семиотика. От структурализма к постструктурализму. – М. : Прогресс, 2000. – С. 495–496. //http://www.klex.ru/ov5

гаплашишида юзага келадиган бир-бирига БОҒЛИҚЛИГИНИ кўрсатади“, деб изоҳлайди. Диалог ҳақиқатликни аниқлашнинг ақл берувчи, ўргатувчи усули эмас, бу “субъект-объект“, катта кичик деб қаралмайдиган, балки ҳар иккала тараф ҳам ўзаро тенгдек бўлган бирликдаги изланиш. Публицист ўзи ишонмайдиган, яъни ички суҳбатга эга эмас асарни чиқармайди. Мақоланинг публицистик сифати кўплаб далиллар ёрдамида юзага чиқади. Тахминимизча, улар қуйидагилардан иборат: мақоланинг кун талабига жавоб берадиган, кўпчиликни қизиқтирадиган мавзуси; танлаб олинган мавзунинг публицист томонидан теъран ўрганилганлиги; аниқ, тушунарли, ҳаммага аён, айтмасдан бўлмайдиган фактларни келтириш; жанговар, ўткир, таҳлилий, сатирик ёки ҳазил мутойиба услубини танлаш; яхши тузилган саволлар, баҳсли образлар, учирма сўзлар, ҳиссиётли, юқори кайфиятлилик каби ва тилда мавжуд бўлган бошқа қуроллардан фойдаланиш. А.Н.Тепляшинанинг “Журналистик материалнинг кўпчилиги баён қилишнинг суҳбат формасининг бор ёки йўқ бўлишига қарамасдан диалогдан бошланади. Кўплаб жанрдаги журналистик матнларда саволлар қўйилади, уларга жавоблар берилади, қайси бир нуқтаи назарни қўллаб-қувватловчи исботлар ва қарши исботлар келтирилади, натижада муаллиф ва ўқувчи ўзаро фикр алмашаётгандек туюлади“<sup>40</sup>, деган фикрини ижобий баҳолаша бўлади. Публицистика диалог сифатида қуйидаги имкониятларга эга – у кўпчиликка, аудиторияга қаратилади, юз бераётган воқеа ҳақида аудитория билан юзма-юз ёки ташқаридан фикр алмашади. У қўйилган саволга ўқувчи билан биргаликта жавоб кидиришни назарда тутди.

Масалан, Ў.Абдурахмановнинг Орол муаммолари ҳақидаги асарига қарасак, бу унинг фақат қорақалпоқлар, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда яшовчиларнинг эмас, балким халқаро жамоатчилик билан диалоги. Ёзувчи ҳақида кўпгина давлатлардаги фикр билдирувчилар шуни кўрсатади. Хуллас, диалектик ва публицистик асарларда улар талаб этадиган ранг-баранглик шундай матн ички диалог эканлигининг энг аҳамиятли шарти бўлиб ҳисобланади.

Ёзувчи Т.Қайипбергеновнинг “Қорақалпоқнинг ўз қалпоғи билан сўзлашуви“ романи (1990), “У дунёдаги бобомга хатлар“ повести (1992), “Қорақалпоқман-таваккалчиман“ роман-интервьюси (2003) ва бошқа публицистик пафос билан ёзилган асарлари диалогнинг турли кўринишларига мисол бўла олади.

Умуман айтганда, матнни матн этувчи унда кўп қирраларни ёритадиган, барча нарсани ўз ичига оладиган, асл-зоти бўйича унга тенг бўлган универсал, туб диалог. Диалог умуминсоний маданиятнинг кўп асрлик, кенг кўламли публицистик бўлаги бўлган ва шундай бўлиб қолаверади.

**“Публицистик таъсир қилиш объекти“** деб аталган иккинчи параграфда аудиториянинг аҳамияти қараб чиқилади. Публицист

---

<sup>40</sup> Тепляшина А.Н. Жанровые приоритеты региональных газет // Журналистская профессия в системе цивилизации и культуры в информационном постиндустриальном обществе. Мат. межд. научно-практ. конф., 19-20 ноября 2012 г. Под ред. М.Г.Боровик, Г.С.Мельник. СПб: СПб институт гуманитарного образования; ООО «Книжный Дом», 2012. – С.113.

аудиторияни турли шаклларда бошқаради. “Публицист” – “канал” – “аудитория” училигида сўнггиси энг муҳим бўгин ҳисобланади. Журналистикада ҳардоим бунақа бўлмаган. Медиа узоқ вақт оммавий ахборот ва тарғибот воситаси, сўнг ОАВ (оммавий ахборот воситаси) бўлиб келди ва яқиндан буён ОКВ (оммавий коммуникация воситаси) деб номлана бошлади. Маълумотлар тарқатиш жараёнини коммуникацион жараён сифатида қарашга ўтгандан кейингина аудитория унинг тўла ҳуқуқли қатнашувчиси экани тан олинди.

Аудитория вакиллари публицистнинг чақируви бўйича ҳаракат этиши, унинг олиб чиққан масалаларининг ечимини топишга дарҳол интилишини публицистнинг энг юқори нуқтаси, энг сўнгги мақсади деб ҳисобласа бўлади.

Аудитория – публицистик асарнинг асосий мақсади ва йўналиши. Публицистика одамдан келиб чиқади ва унинг ўзига бағишланган бўлиб, у одамнинг табиатини тасвирлайди. Жамоатчиликнинг кайфияти, мақсад ва вазибалари қандай бўлса, миллий публицистика ҳам айнан шундай бўлади. Вақт ўтган сари тезлик билан ривожланиб бораётган ҳозирги замон публицистикасида замона билан боғлиқлик жуда аҳамиятли ўзгаришлар юз бермоқда, улар субъект-объектликдан бора-бора ўзаро субъектликка айланиб бормоқда.

Бобнинг учинчи «**Ахборот каналларининг ўзига хос хусусиятлари**» фаслида ҳар қандай хабарни маълум бир каналлар орқали етказиб бериш публицистикайўли билан аудиторияга таъсир қилишнинг анча муҳим усулларида бири эканлиги кўриб чиқилган.

Матбуот– бу ёзма хабар. Машҳур драматург Бернард Шоунинг таъкидлаганидек, «ҳа» деб айтишнинг 50 та, «йўқ» деб айтишнинг 500 та усули бор бўлса, буни ёзишнинг битта усули бор, холос. Шу сабабдан бугунги матбуотда ишлайдиган журналистнинг ҳолати жуда оғир. Матбуот пайдо бўлганидан бошлаб дунё, ўзбек ва қорақалпоқ публицистикасининг ўнлаб ва юзлаб энг долзарб мавзуларга бағишланган асарлари бунга далил бўла олади.

Канал публицист билан аудитория ўртасидаги воситачи, чунки, муаллиф унинг ёрдамида ўз асарини аудиторияга етказади. Одамлар хабарни муаллифдан қандай турда ва сифатда олган бўлса, айнан шу ҳолатда бири-бирига етказиши мумкин. Шахс маълумотларни ёзма тарзда баён қилиш ва бошқаларга етказиб бериш хусусиятига эга. Бу фақат одамдагина учрайдиган ажойиб қобилият. Хабарни юборган индивид қандай туйғуда бўлса, уни қабул қилувчи ҳам деярли шундай ҳолатни ҳис қилади. Бундай бўлишининг сабаби одамлар ўз сезги-ҳиссиётлари ва фикрларини барчага маълум сўзларга турфа хил маъно бериб ҳам уларни яширин равишда узоқ манзилларга етказишни ўрганган. Қабул қилиб олувчи томон эса уларнинг сирларини очиб олади ва унинг маъносини тўғри тушунади.

Матбуот ўзички динамизмига, ички публицистик потенциалига эга, лекин у коммуникатив жараён иштирокчилари томонидан ҳаракатга келтирилсагина кўринади. Матн – газета ва журналнинг унсиз саҳифалари,

матбуот материалига публицистик руҳ берадиган муаллиф, шунингдек, ушбу руҳни қабул қиладиган аудитория бу бетларни жонлантириши мумкин.

Публицистик асарни етказиб бериш канали бўлган радио – бу кўп асрлар давомида биргаликда сўзларни тузиш ва маъно бериш, шунингдек экстралингвистик ўй-фикрнинг янгича турдаги оғзаки давоми. Радиодан айрилган сўз келиб чиқиши бўйича жамоавий, жамиятлик ва аслида публицистик ҳисобланади. Радиони, публицистик мазмунга эга сўзни (ижодни) етказиб бериш канали сифатида камида икки хил қарашдан ўрганиб чиқиш мумкин:

1) радио сўзининг қадимий қавмлар барабанининг садоси каби табиий публицистиклиги (Маклюэн таърифи);

2) публицистик мазмундаги материални етказиб бериш канали сифатида.

Одатда телеканал публицистикани икки турда етказиб беради: 1) публицистиканинг ўзини олиб кўрсатади: 2) томошабинда публицистик потенциални ҳаракатга келтиради, бунинг учун ундаги эшлаш, ҳис қилиш ва фикрлаш заҳираларини ишга солади. Иккинчи ҳолатга аудиториянинг ўзи кўпроқ ишлайди, у муаллифнинг ёрдамида ўзида публицистик руҳ ва маданиятни шакллантиради, яъни ўзининг кўнгилик-кечирмаларини асар билан уйғунлаштиради. Бунда инсон асарни қанчаликчукур тушунса ва кучли илҳом олса, у публицистик кайфиятга шунчалик кўпроқ берилади.

Телевидениеда овоз публицистикаси видеопублицистикага дуч келади, натижада қулф пайдо булади – овоз публицистикаси видеопублицистика билан бирлаша туриб, кўпчилик ҳолларда уни овора қилади, аудиторияга уйлаб кўриш учун имкон қолдирмасдан экрандаги хабарлар оқимини тўсиб қўяди. Публицистик фикр учун, ундан чиқа олмайдиган тусиқ доира пайдо бўлади. Учинчидан, матннинг, мантиқий мулоқотнинг ожизлашуви. Албатта, бундай алоқадорлик бор, бироқ видеокўринишлар билан аудиоёзувларнинг кучли таъсирдан у кўзга кўринмайдиган бўлиб қолади. Телевидение хабарни тўлиқ ҳажмда етказиб беради, шунинг учун у публицистик таъсирнинг имкониятларига кўпроқ эгадек бўлиб кўринади. Аслида улар бор – ахборотли, кўзга кўринадиган, овозли, комплексли ва ҳоказо. Бироқ публицистик эмас. Чунки, публицистика фикр бор жойда бошланади. Публицистикнинг ўзининг сўзигина эмас, аудиториянинг фикри ҳамаҳамиятлидир. Сабаби публицист қанчалик кучли бўлмасин, ҳаммаси учун аудитория жавоб беради. Шунинг учун ҳам кўпчилик асарни қабул қилмаса ва унинг ғояларига мувофиқ ҳаракат этмаса, кутилган натижа бўлмайди. Телевидение аудиторияга ҳар томонлама таъсир қила туриб, унинг мустақил фикр юритишига ҳалақит беради.

Медиялар таҳлили интернетни кўриб чиқиш билан яқунланади ва янги медиалар – интернет, ижтимоий сайтлар “Telegram”, “Instagram”, “Sms”, “You tube” катта таъсир қилиш хусусиятига эга.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Публицистика методлари**» деб аталиб, у икки параграфга тақсимланган. Биринчи параграфда **умумий метод** ўрганилган. Метод масаласи публицистика жамиятнинг ижтимоий институтидир, деган нуктаи назардан кўриб чиқилган.

Тадқиқотда гуманитар фанларда хужайравий таърифлар, журналистика ва публицистика ҳақидаги билимларда назариянинг савия-даражаси, публицистиканинг олимлар асарларида таърифланиши (метод юзасидан), публицистик асарнинг спецификаси сифатида мантиқ, публицистик асарнинг ўзак хоссаси сифатида ҳис-ҳаяжонлар, публицистиканинг методи ҳақида қарашлар тақдим этилиб, публицистиканинг умумий методи таърифланган.

Маълумки, дастлабки, таянч тушунчаларни аниқ таърифлаш – гуманитар фанлардаги принципиал мураккаб масалалардан биридир. Бошланғич, хужайравий тушунчалар деганда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳар қандай соҳаси учун “ғиштча” бўлиб хизмат қиладиган таърифлар тушунилади. Бундай тушунчаларнинг аниқ таърифларини келтириш – ғоя, гуманизм, адолат, яхшилик, ватанпарварлик, тарғибот ва ҳоказоларнинг моҳияти нимадан иборат экани ҳақидаги саволларга мукамал жавоб бериш деганидир. Журналистика ва публицистика назариясига татбиқан, объект, субъект, предмет, метод, принцип, функция, журналистик ёки публицистик усул, тил, услуб, жанрлар каби дефиницияларни хужайравий тушунчалар сирасига киритиш мумкин.

Муаллиф, шунингдек, назариянинг эмпирик ва илмий миқёсларини тафриқ қилишни лозим деб топди. Ҳали назария даражасига етмаган биринчи этапни беш босқичга тақсимлаш мумкин: 1) публицистик асардан айрим фактларни танлаб олиш ва уларни дастлабки тавсифлаш; 2) бундай фактларни шарҳлаш ва таҳлил этиш; 3) бу хилдаги материални таснифлаш ва типларга ажратиш; 4) бир турга мансуб фактлар гуруҳидан эмпирик характердаги айрим қонуниятларни чиқариш; 5) ўзаро мувофиқлик касб этадиган эмпирик характердаги қонуниятларни қисман умумлаштириш.

Иккинчи, назарияни яратиш бўйича чинакам илмий этапни ҳам беш босқичга тақсимлаган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1) муайян эмпирик қонуниятлар негизида айрим назарий қонуниятларни белгилаш; 2) айрим илмий қоидаларнинг дастлабки мажмуи (гуруҳи)ни шакллантириш; 3) айрим назарий қоидалар тизими асосида, гарчи бошланғич ҳолда бўлса-да, айнан публицистика назариясини яратиш; 4) танқидий таҳлил, аниқланган назарий қоидалардан тасодифий гипотеза ва хулосаларни чиқариб ташлаш; 5) айни соҳа назариясининг яхлит концепцияси сифатида олий даражадаги асосий категориялар гуруҳини шакллантириш.

Шундай қилиб, тадқиқотчи олий даражадаги назарияга, яъни “публицистика назарияси” деб аталадиган фаннинг асосий хужайравий категориялар тизимини тавсифлашга эришиш учун юқорида зикр этилган тобора мураккаблашувчи ўн босқичдан ўтиб бориши керак. Етакчи категорияларнинг мажмуи эса айни соҳанинг чинакам илмий концепцияси демак.

Тадқиқотчилар публицистика назариясига турлича таъриф берадилар. Уларнинг бир қисми айрим назарий категориялардан иборат бўлган *тизим*ни олға суради. Чунончи, Е.П.Прохоров концепциясида функциялар–предмет–метод–мазмун–шакл категориялари бор. В.В.Учёнова эса моҳият–принциплар–функциялар–самаралилик тизимини тақлиф этади. Санкт-

Петербурги университети профессори А.Ф.Бережной эса принциплар–функциялар–вазифалар–предмет–метод–мазмун кетма-кетлигини келтиради. В.И.Здоровеганинг фикрича, концепцияга функциялар–предмет–мазмун–шакл–метод мансуб бўлади. М.С.Черепанов эса предмет–функциялар–мазмун–шакл–методлар йўналиши тарафдори. Бундан бошқа, бирмунча ихчамроқ рўйхатлар ҳам мавжуд.

Натижада, публицистиканинг умумий методини тадқиқ этишда энг мураккаб масала мутахассислар эътиборидан четда қолгани аён бўлади. Гап амалий, ижодий қийматга эга бўлган методлар ҳақида эмас (чунки айнан улар яхши тадқиқ этилган), балки публицистиканинг умумий методи ҳақида кетяпти. Ушбу муаммонинг тадқиқ этилмагани бугунги кунда равшан бўлаётир.

Умумий методни аниқлаш, таъриф бериш ва ифодалаш мураккаб назарий масаладир. Ушбу иш муаллифининг фикрича, профессор Ф.А.Мўминов журналистика методи юзасидан янги нуқтаи назарни асослашга муваффақ бўлди<sup>41</sup>. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, бобнинг биринчи параграфи бирмунча даражада мазкур тадқиқотга асосланади.

Албатта, публицистика методлари кўп тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилган, улардан айримларининг қарашлари юқорида келтирилди. Бироқ публицистиканинг умумий методи ҳалига қадар топилган эмас. Салафларнинг принциплар камчилиги шундан иборатки, улар методларнинг кўп ва хилма-хил кўринишларини ўрганишган, умумий методнинг ўзини эмас. Публицистиканинг умумий методини қидиришнинг ўзи, фан олдида турган вазифа сифатида, ўртага қўйилмаган (бундан В.И.Здоровеганинг, уни топиб бўлмади, деб айтган гапигина мустасно<sup>42</sup>).

Публицистик асар кенг омманинг эътиборини ўзига жалб этади, зеро у бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга, булар орасида қуйидагилар айниқса катта рол ўйнайди: 1) у ҳамма учун қизиқ бўлган, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ўртага қўяди; 2) оммавий адабга эга бўлади; 3) ўткир, эҳтиросли, ҳис-ҳаяжонли баланд шаклга эга; 4) унинг услуби расмий-иш юритишга хос девонхона баёнларининг услубидан йироқ бўладики, бу ҳам ўқувчиларнинг асосий оммаси эътиборини ўзига жалб этади; 5) оммавий аудитория ҳамиша, мантқиққа қараганда, кўпроқ ҳис-ҳаяжонларга берилувчан бўлади, қолаверса, мантқиқ аксар ҳолларда мароқ билан қабул қилинмагани ҳолда, ҳиссиётлар юқувчан бўлади; 6) бундай асар одатда реалликнинг оммавий аудитория турмуши ва ҳиссиётларига яқин бўлган конкрет фактлари таҳлили ва баҳосидан иборат бўлади ва ҳоказо. Хуллас, публицистика – бу изчил далиллаш плус юксак пафос ва ўткирлаштирилган услуб демак. Натижада жамият ўзининг ўткир тасвирини кўпроқ публицистик асардан топади. Бу билиш назариясига хос билиш (познание) ва тасвирлаш (отражение) бўлади.

<sup>41</sup>Мўминов Ф.А. Метод журналистики и методы деятельности журналистов. – Т.: Университет», 1998.

<sup>42</sup>Здоровева В.И. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. М.: Мысль, 1980. – С. 42-46.

Юқорида баён қилинганлардан, хусусан публицистика спецификаси ва фаннинг умумий методидан келиб чиққан ҳолда, публицистиканинг умумий методи долзарб, экспрессив, оммавий, ижтимоий рефлексиядир, деган гипотезани олға суриш мумкин. Бу фикр параграфда асослаб берилган.

Бобнинг иккинчи **“Публицистиканинг хусусий методлари”** фаслида ҳозирги вақтдаги Қорақалпоғистон публицистикасида намоён бўлган хусусий методлардан бирмунчаси келтирилган. Публицистнинг ижодий имкониятлари чегарасиз бўлганидек, хусусий усулларнинг ҳам турлари ва сони чексиз, демак, уларнинг таснифини фақат назарий мақсадда, шартли равишда келтириш мумкин. Амалиётда хусусий методлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирига ўтиб кетади. Чунки публицистик асарни яратиш усуллари турлича, уларнинг алоҳида кўринишларини танлаш ҳамда ишлатишнинг хилма-хиллиги публицистнинг қобилиятига боғлиқ. Мазкур параграфда ишимизнинг тузилиши тартибида хусусий методларга фақат умумий тавсиф берилиб, Қорақалпоғистон матбуоти амалиётидан айрим мисоллар келтирилди.

Борлиқни бевосита ўрганиш методлари қанча кўп бўлса, публицистлар уларнинг аксариятини одатда ўз асарларида ишлатадилар. Йирик планда когнитив усуллар билиш ва акс эттириш, дедукция, индукция ва аналогия, анализ ва синтезлардан, қисқаси илмий методлардан иборат. Аммо бу усуллар публицистик асарларда сингдирилиб, уларнинг сони чексиз бўлади ва уларнинг ёрдамида аудитория мавзуни, муаммони, ғояни, қаҳрамонни, унинг атрофидаги одамларни, ижтимоий вазиятни, халқ ташвишларини ва ҳоказоларни илғаб олади, танишади. Масалан, “Хуррият” муҳбири Ф.Абдуллаеванинг “Мўъжизани йироқдан изламанг”<sup>43</sup> корреспонденцияси илмий кузатувдан бошланади.

Экспрессивлик методлар асосини эмоциялардан самарали фойдаланиш йўллари ташкил этади. Булар – пафос, тасвирий-бадиий усуллар, юмор-сатира ва бошқ. Ижодкор қанча қобилиятли бўлса, унинг ихтиёридаги экспрессив методлар ҳам шунча кўп бўлади. Аксиологик усулларнинг бугунги миллий журналистикамиз учун аҳамияти жуда юқори. Ўзбекистонга ахборот асри кириб келиши билан мамлакатимиздаги ахборий вазият кескин ўзгариб кетмоқда. Кучли коммуникацион воситаларга эга бўлган давлатлар тинмасдан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон аҳолисига ўз ҳаётлари ҳақидаги ҳамда ўз қадриятларини улуғловчи ахборот оқимларини етказмоқдадар. Бу масалада аксиологик усуллар тарбия вазифасини яхши бажаришга қодир. Ўзбекистон Қаҳрамони, тарихчи олим Ғ.Хўжаниязовнинг «Бай тарихимизнинг ёдгорлиги ёки халқаро археологик экспедицияга 25 йил»<sup>44</sup> деб номланган мақоласи бунинг мисоли. Ажинияз номидаги НМПИ доценти Қ.Сейтмуратов ўзининг Қорақалпоғистон халқ шоири У.Хўжаназаров ижодига бағишланган публицистик рецензиясида<sup>45</sup> аксиологик методни амалга оширади.

<sup>43</sup>«Хуррият». 2016. №2.

<sup>44</sup>«Еркин Қарақалпақстан». 2019. 8-октябрь.

<sup>45</sup>«Сэният». 2011. №1-2. – 19-20- б.

Илмийлик принципи иккала республикамизнинг публицистикасида кенг тарқалган. Буни муаллифлар томонидан қўлланган бир қатор аниқ методларда кўриш мумкин, жумладан, тарихий фактларни келтириш, қиёсий усуллардан фойдаланиш, публикацияни таҳлил билан бойитиш ва ҳ.к. Халқ донолиги, фольклор сифатлари ва мутахассислар фикридан фойдаланиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў.Абдурахмонов ўзининг машҳур «Аралым – дәртим мениң»<sup>46</sup> публицистик эссесига XIX асрдаги улуғ қорақалпоқ гуманист шоири Кўнхўжанинг бир мисра шеърини эпиграф қилиб олади. Шундай асарлар ҳам борки, публицистиканинг кўпгина энг кучли сифатларини ўзида бирлаштирган. Бундай мақолалар кўпроқ «Қарақалпақ әдебияты» газетасида чоп этилган: «Әдебиятшы алым» (П.Нуржанов. 2014. Декабрь. №12. 6-б.), «Сезимлер дуньясын тербетип» (Қ.Юсупов. 2014. Декабрь. №12. 7- б.) ва бошқ. Масалан, профессор Қ.Ўразимбетовнинг «Ғәрезсизлик дәўири ҳам қарақалпақ әдебияты» таҳлилий мақоласида<sup>47</sup> публицистиканинг кўп кўринишлари бор, объект ва предметдан бошлаб, то ҳаракатчанлик ва долзарб услубгача.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Публицистика функциялари ва принциплари**» деб аталиб, у «Публицистика функциялари» ҳамда «Публицистика принциплари» деб аталадиган икки фаслдан иборат. Функциялар ва принциплар бўйича монографияда тўлиқ маълумотлар келтирилган. Шу сабабдан биз мазкур диссертациямизнинг ушбу иккинчи вариантидабу бобда уларга ёндош соҳалар функцияларига қисқача тушунтириш бериб ўтилди.

Публицистикага ёндош соҳаларни ўрганмасдан туриб, публицистика функциялари тизимини тўғри белгилаш амри маҳол. Фаолиятнинг ушбу соҳалари функцияларини публицистиканинг ўзига хосликларига қиёсан англаш тўғри йўналишни танлаб олиш имконини берди.

*Ижтимоий коммуникация функциялари.* «Қозоғистон журналистикаси»<sup>48</sup> энциклопедиясининг муаллифлари қуйидаги рўйхатни келтиришади: «Коммуникациянинг функциялари – ОКВ ҳаракати ва натижаларининг мажмуидир. Оммавий коммуникация деганда Г.Лассуэл теварагимиздаги дунёни кузатиш функциясини, жамият ижтимоий тузилмаларининг ўзаро алоқадорлигини, маданий мероснинг ворисийлигини ажратиб кўрсатади. Тадқиқотчи К.Райт эса бу уч функция қаторига кўнгилочарликни ҳам қўшса, Мак-Квейл – сафарбар этувчиликни, А.А.Леонтьев – жамият фаолиятини оптималлаштиришни, гуруҳий онгни шакллантиришни, ижтимоий назоратни, шахснинг ижтимоийлашувини илова этади. Коммуникация қуйидаги вазифаларни адо этади: апеллятив, ўзаро таъсир этувчилик, иродасини баён этиш, таъсир қилиш, ахборот бериш, перформативлик, уйғотувчилик, прагматиклик, йўналтирувчилик, удумийлик, ўзини тақдим этувчилик, контакт ўрнатиш ва экспрессивликни улар қаторида санайди. Оммавий коммуникациянинг ижтимоий муҳим функцияларини шартли равишда:

<sup>46</sup>«Әмиўдәрья». 1985. №4-5.

<sup>47</sup>«Қарақалпақ әдебияты». 2014. №9-10. Сентябрь-октябрь.

ахборийлик, йўналтирувчилик ва маданиятшунослик гуруҳларига ажратиш мумкин»<sup>48</sup>.

*Бадиий адабиётнинг функциялари* борасида Интернетнинг ахборий ресурсларига мурожаат қилинганида қуйидаги манзара намоён бўлди: В.А.Песоцкий “Бадиий адабиёт ижтимоий ҳодиса ва фалсафий таҳлил предмети сифатида” деб номланган фалсафа фани бўйича тайёрланган докторлик диссертациясида (М.: 2009) функцияларни ижтимоий-маърифий, ижтимоий-ташкилий ва ижтимоий-шакллантирувчи деган уч турга ажратади<sup>49</sup>. С.С.Давтян бадиий адабиётнинг функцияларига билим бериш, коммуникатив, эстетик, эмоционал ва тарбиявий жиҳатларни киритади<sup>50</sup>. Н.Ю.Куценко эса бадиий адабиёт билим бериш, тарбиялаш, коммуникатив, кўнгилочарлик ва эстетик функцияларга эга, деб ҳисоблайди<sup>51</sup>.

*Мафкура функцияларини* профессор Н.Жўраев когнитивлик (идрок этиш), легитимлаштириш (эътироф), меъёрлаштириш, интеграциялаш ва сафарбар этишга ажратиб кўрсатади<sup>52</sup>.

*Журналистика функцияларига* келганда шуни айтиш мумкинки, таниқли журналистика назарийчиси профессор Е.П.Прохоров кейинги китобларидан бирида функцияларнинг бир қатор ўзига хосликларини кўрсатиб берди: 1) коммуникатив функциялар гуруҳи (асосий); 2) мафкуравий; 3) бевоситалик-ташкilotчилик; 4) маданий-шакллантирувчилик; 5) реклама-маълумот бериш; 6) рекреатив функциялар<sup>53</sup>.

Проф. М.Худойқулов матбуот функцияларининг қуйидаги таркибини келтиради: “Матбуот нашрлари ва оммавий ахборотнинг барча турдаги воситалари доимий равишда жамият ҳаётини ёритиш, уни тадқиқ қилиш ва унга қайтадан таъсир этиш вазифасини бажариб келадилар. Бу таърифдан шу нарса кўриниб турибдики, матбуотнинг ижтимоий вазифалари уч таркибий қисмга, қирраларга бўлинади. Биз бу қисмларни шартли равишда тасвир, таҳлил ва таъсир деб оламиз ҳамда матбуотнинг ижтимоий вазифаларини шу нуқтаи назардан ўрганиб чиқамиз”<sup>54</sup>.

Бобнинг ушбу параграфида **публицистика функциялари** тизимини тақдим этишга уринилган. Е.П.Прохоров публицистика функцияларини одатда ижтимоий-педагогик ва ахборий-билим бериш каби турларга тақсимлайди. Янада муфассалроқ бўлган таърифни у публицистика юзасидан энг яхши китобларидан бирида тақдим этган: «Ижтимоий қарашларни шакллантириш – ҳозирги давр тарихини барпо этиш – оммавий билимни шакллантиришда иштирок этиш – амалий фаолиятни рағбатлантириш»<sup>55</sup>.

<sup>48</sup>Козыбаев С.К. и др. Журналистика Казахстана. Энциклопедия. – Алматы: Экономика, 2006. – С. 439-440.

<sup>49</sup>Қаралсин: [disserkat.com/content/Khudozhetvennaya-literatura-kak-sotsialnoe-yavlenie-i-predmet-filosofskogo-analisa](http://disserkat.com/content/Khudozhetvennaya-literatura-kak-sotsialnoe-yavlenie-i-predmet-filosofskogo-analisa)

<sup>50</sup>Қаралсин: [do.gendocs.ru/docs/index-35725.html=1127528](http://do.gendocs.ru/docs/index-35725.html=1127528)

<sup>51</sup>Қаралсин: [publishing-vak.ru/file-archive-pilology-2011-3/1-kutsenkopdf](http://publishing-vak.ru/file-archive-pilology-2011-3/1-kutsenkopdf)

<sup>52</sup>Мўминов Ф., Баротов Ш. ва бошқ. Очiq ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. – Т.: ЖИДУ, 2013. – 121-122- б.

<sup>53</sup>Қаралсин: Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. 6-е изд. – М.: МГУ, 2005, – С. 55-56.

<sup>54</sup>Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: Tafakkur нашриёти, 2011. – 31- б.

<sup>55</sup>Прохоров Е.П. Публицист и действительность. – М.: МГУ, 1973. – С. 113.

Т.Б.Самарскаянинг ёзишича, “публицистиканинг функциялари куйидагилардан иборат: 1) коммуникатив – ахборот бериш; 2) билим бериш (эвристик) – дунё ҳақидаги тасаввурларни бойитиш; 3) аксиологик – баҳолаш; 4) ижодий-яратиш (бирга ижод этишга даъват); 5) тарбиявий – ижтимоий қарашларни юзага келтириш, шакллантириш ва ифодалаш; 6) эстетик – реал воқеликнинг образини яратиш; 7) уйғотувчилик – фаолиятга ундаш”<sup>56</sup>.

Ушбу иш муаллифининг фикрига кўра эса публицистиканинг куйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) контактли; 2) когнитив; 3) намойишкороналик; 4) экспрессивлик; 5) аксиологик; 6) ташкилотчилик-сафарбар этувчилик.

*Контактли* функция ахборот асрининг самарали коммуникацияси учун мажбурий бўлган бир қатор вазифаларни бажаради. Асар қизиқарли бўлиши, ўқиб чиқилиши, тушунарли бўлиши, фаолият учун қабул қилиниши даркор. Мана шу орқали публицистиканинг муваффақиятига замин яратилади. Диққатни торта олиш – энг бирламчи вазифа ана шундан иборат. Бунинг ахборий зўриқишлар давридаги аҳамиятини ҳисобга олсак, айтиш мумкинки, контактли функция ҳозирда методологик жиҳатдан энг муҳими бўлиб қолди.

*Билиш (когнитив)* функцияси эса ушбу алоқани янада ривожлантиради, контакт функцияси орқали бошланиб кетган публицистнинг аудитория билан ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. У ўзи кўтараётган муаммонинг нималиги ва унинг одамлар учун қанчалик муҳим эканлигини далиллаши лозим. Когнитив функция учун билимнинг ўзи ўқувчилар биргалашиб англаши табиий эканлиги, яъни аудиториянинг тушунчалари жамоавий билимидан иборат бўлиши принципно муҳим нарсадир. Айрим муаллифлар томонидан алоҳида функция сифатида тақдим этилган маърифатлилик бизнинг таснифимизда *билиш* билан бирлаштирилди.

Ушбу таснифда *намойишкороналик*ни алоҳида функция сифатида кўшиш публицистиканинг спецификасидан ҳам, шунингдек, аудиториянинг диққат-эътиборини муҳокама этилаётган муаммо теварагида ушлаб туришни тақозо этадиган ахборий даврнинг ўзига хосликларидан ҳам келиб чиқади. Намойишкороналик назария учун “пастга тушиш” бўлиб кўриниши мумкин, аммо у амалда бор нарс.

*Экспрессивлик функцияси.* Материалнинг жозибдорлиги ҳам публицистика самарадорлигининг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланади. Экспрессия публицистик асарнинг ажралмас хусусиятидир. Бусиз у, гарчи мантиқий ҳамда маърифий бўлса-да, ҳаётий жозибадан маҳрум, ҳаракатсиз, қуруқ матн парчаси бўлади-қолади. Боиси, оммавий аудитория жозибани, ҳаракатчанликни, ташқи латофатни кутади. Экспрессия эса матнга нафақат бадийлик, балки услубий шиддат ҳам бахш этадики, публицистик асар усиз мавжуд бўла олмайди.

*Аксиологик, қадриятлар функцияси.* Аудитория олға сурилаётган ғоянинг аҳамияти нимада эканини билишни истайди, шунинг учун унинг

<sup>56</sup>Cyberleninka.ru/article/n/publitsisticheskiy-tekst-sushnost-spetsifika-funktsii. 16.12.2013. 11:21.

кадр-қимматини исботлаб кўрсатиш лозим бўлади. Публицистиканинг спецификаси ушбу кадриятларни оммабоп қилиб тушунтириб беришни тақозо этади. Умуман олганда, ушбу функцияни татбиқ этишда анча-мунча мураккабликлар бор. Аксиология ҳал қилувчи функциялардан бири. У билим бериш вазифасини давом эттиради, бироқ энди у мавзуни ўрганиш, янги билимларни инкишоф этиш, янги ақл-заковат ва янги даража кўламида эмас, балки янги кадриятлар йўналиши борасида давом эттиради.

*Ташкилий-сафарбар этувчилик функцияси.* Ташкилотчилик функцияси журналистикага азалдан хос. Бу вазифани газета ва журналлар, радио ва телевидениенинг тахририятлари, интернет сайтлари, оммавий ахборот агентликлари ҳамда хизматлари доимо бажариб келишган. Публицистиканинг ташкилотчилик функцияси эса бирмунча мураккаб тарзда амалга ошади – гап шундаки, публицист позициясини ўқувчилар аудиторияси вакиллари ихтиёрий равишда ўзлари учун қабул қилиб олишлари даркор, публицистнинг баҳолари ва мезонлари уларнинг баҳо ва мезонлари бўлиб қолиши, уларнинг дунёқарашига айланмоғи керак. Жамоатчилик фикрини шакллантириш публицистика ташкилий-сафарбар этувчилик функциясининг амалда рўёбга чиқишидир.

Диссертациянинг бешинчи бобининг иккинчи фасли «**Публицистика принциплари**» деб аталади ва публицистика принципларини бир текисда тафриқ қилиш мушкуллигининг асосий сабаби сифатида уларнинг бири-бирига яқинлиги, ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро бир-бирига таъсир қилиши эканлиги қайд этилади. Шу сабабли ҳам ушбу параграфнинг муҳим вазифаси принципнинг нима эканини аниқлашдан иборат бўлди ва бу таҳлил ишда келтирилган.

*Тарғибот принциплари.* Тарғибот принциплари назарияси бошқа соҳаларга қараганда батафсилроқ ишлаб чиқилган. Бунда принциплар қуйидаги уч гуруҳга тақсимланган: 1) мазмуний (илмийлик, ҳаққонийлик, турмушга боғлиқлик); 2) методик (назарияни эгаллашда изчиллик ва ворисийлик, тарғиботнинг сингишли ва лўнда эканлиги, назарияни эгаллашда мустақиллик); 3) ташкилий (кенг оммани қамраб олиш принципи, демократиклиги, тарғибот ишини ташкил этиш ва олиб боришда фарқлаб ёндашиш ва ҳоказо).

*Эстетика принциплари.* Эстетикада миқдоран камроқ, аммо нисбатан барқарор принциплар тизими амал қилади. Умуман олганда, бу масалада А.В.Гулига бошқаларга қараганда энг афзал тизимни таклиф этган. «Эстетика принциплари» (1987) китобида муаллиф эстетиканинг фантастиклик, типиклик, комиклик, фожиавийлик, кўтаринкилик, гўзаллик, конкретлик ва мавхумлик каби назарий принципларини кўриб чиқади. Халқчиллик, тарихийлик ва партиявийликни у эстетиканинг ижтимоий принциплари деб атайди<sup>57</sup>.

*Бадий адабиёт принциплари.* Бундаги принциплар бошқа соҳалардагига нисбатан кўпроқ баҳс-мунозаралар объектига айланган. Чунки

<sup>57</sup><http://lib.sportedu.ru/BiblCard.idc?Cd=Win&DocID=17148&DocQuerID=NULL&DocQuerItmID&DocTypID=1&On=0&Pg=20&QF&Tr=0>

бунда умумэтироф этилган рўйхат мавжуд эмас. Умуман олганда, О.Шарафиддинов, Б.А.Назаров, Н.Ф.Каримов, Б.Қосимов, Т.Мирзаев, М.Жўраев, Ю.Б.Борев, Ю.Барабаш, Г.Н.Поспелов, Л.И.Тимофеев ва бошқа муаллифларнинг асарларини ўрганиш қуйидаги натижаларга олиб келди:

Деярли барча мутахассислар адабиётнинг халқчилликдай ўзак принципини этироф этишади. Аксар муаллифлар ҳаққонийлик ва гуманизмни ҳам асосий принциплар қаторига қўшишади. Бир қатор олимлар эса, методологик принцип сифатида, тарихийлик ва ғоявийликни ҳам тилга олишади. Аммо бадиий адабиётнинг демократиклик, оммавийлик, англашиллик, миллийлик ва байналмилаллик каби ўзига хосликлари эса, одатда, мустақил принцип қаторига қўшилмайди, уларга юқорида зикр этилган у ёки бу принципнинг таркибий қисми ёхуд намоён бўлиш шакли деб қаралади.

*Журналистика принциплари.* Журналистика назариётчилари ва амалиётчиларининг аксари “принцип” сўзининг мазмунини кенгайтиришга мойил ва бу сўзга “асос”, “қонуният” ва “етакчи ғоя” каби мураккаб маъноларнинг ифодаси деб қарашади. Қизиғи шундаки, принцип деганда ҳар хил тадқиқотчиларнинг бири дастлабки, бошқаси иккинчи ва яна бирлари учинчи маънони англайдилар.

Журналистика принципларига бағишланган ишлар (жумладан, Л.М.Круковская, С.М.Гуревич, Н.А.Шиманов, А.Ф.Бережной, В.В.Учёнова, Е.П.Прохоров, Ф.И.Аъзамов, М.Худойқулов ва бошқ. асарлари) таҳлили аксар назариётчилар ҳаққонийлик, халқчиллик ва ғоявийликни принцип сифатида олға суришларини кўрсатади. Яна бир қатор мутахассислар илмийлик ва оммавийлик принципларини асослашга ҳаракат қилишади. Айрим олимлар эса демократизм, ватанпарварлик, байналмилаллик ва объективликни ҳам принцип деб ҳисоблашади. Ҳатто тарихийлик, ишчанлик ва долзарбликни ҳам принциплар қаторига қўшувчилар бор.

Принципларнинг яхлит концепцияси ҳақида гап кетаркан, уларнинг миқдори учтадан то тўққизтагача етказиб кўрсатилганига гувоҳ бўламиз. Бу соҳада мунтазам иш олиб борган олимлардан бири Е.П.Прохоров, МДУнинг “Мумтоз университет дарслиги” сирасида чоп этилган китобида ҳаққонийлик ва фаоллик; халқчиллик; оммавийлик; ватанпарварлик ва космополитизм; миллий ифтихор, байналмилаллик; демократизм принципларини ажратиб кўрсатади<sup>58</sup>.

Параграфда ушбу иш муаллифи томонидан кўп йиллар миқёсида кўплаб мутахассисларнинг асарлари ҳамда интернет материаллари асосида изланиш талай йиллар давомида турли мамлакатларда турли мутахассислар томонидан *публицистика принциплари* деб атаб келинган принципларнинг умумий рўйхатини тузиш имконини берди. Алифбо тартибида улар байналмилаллик, баҳс-мунозаралилик, ватанпарварлик, гуманистиклик, долзарблик, илмийлик, ишончнинг қатъийлиги, мазмун ва шакл бирлиги, мантиқийлик, мафкуравийлик, муаллиф “мен”ининг дангал ифода этилиши,

<sup>58</sup>Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. 6-е издание. – М.: МГУ, 2005. – С. 113.

образлилик, объективлик, оммавийлик, очиклик, реализм, сиёсий эҳтирос, тамойиллилик, таҳлилийлик, фактларга асосланганлик, экспрессивлик, ўткирлик ва баённинг ёрқинлиги, ҳаёт билан боғлиқлик, ҳис-ҳаяжонлилик, ҳужжатлилик ва ҳоказолардан иборат бўлади. Шу билан бирга, публицистика назариясининг етакчи олимлари (Е.П.Прохоров, В.И.Здоровета, М.С.Черепанов, Е.И.Журбина, М.Худойқулов ва бошқ.) томонидан публицистика принципларининг бирон-бир тизими келтирилмаган, ҳолбуки, масалан, Е.П.Прохоров *журналистика принциплари*га татбиқан бу ишни бир неча бор амалга оширган эди.

Муаммонинг таҳлили шуни кўрсатадики, муаллифнинг фикрича, публицистиканинг еттита асосий методологик принципи бор деб билиш мақбулроқ: оммавийлик, фуқаровийлик, гуманизм, илмийлик, объективлик, шахсиятлилик ва ахлоқийлик.

*Оммавийлик принципи.* Ушбу принцип муаллиф фаолиятининг ялпи, оммавийлик методи каби тушунчаларни ўз ичига олади. Бу принципга фаолиятнинг ижтимоий характерга эга экани, ижтимоий жараёнларни кенг қамраб олиш, публицистик ғояларнинг оммага тушунарли ва сингишарли экани ва ҳоказолар хос. Тайёрланган маънавий маҳсулот кенг аудитория томонидан истеъмол этилмас экан, ҳеч бир соҳа эътирофга сазовор бўла олмайди. Публицистика ҳам, худди адабиёт, фан, тарғибот ва журналистика сингари, аввало ўз оммавийлиги боис мавжуддир. Гарчи публицистика қадимги юнон нотикларининг халқ ҳузуридаги чиқишлари замонидаёқ оммавийлик касб этган эса-да, оммавий коммуникациянинг матбуот, радио, телевидение ва интернет каби турлари кашф этилганидан кейин у чинакам оммавий бўлиб қолди.

